

## Тарбия беришдан мақсад нима? | Тазкия дарслари (355-дарс)



19:00 / 29.11.2025 840

Солиҳлик ўтган умматларда ҳам бўлган. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

﴿الْحَدِيدَ لَهُ وَالنَّاطِقَ وَالطَّيْرَ مَعَهُ، أَوْ يَبِجَالٍ فَضْلًا وَمَنَادًا أَوْ دَاءً إِنَّا وَلَقَدْ ﴿١٠﴾

﴿بَصِيرٌ تَعْمَلُونَ بِمَا إِنِّي صَالِحًا وَأَعْمَلُوا السَّرْدِ فِي وَقَدَّرَ سَدِغَتِ أَعْمَلُ أَنْ

**«Батаҳқиқ, Биз Довудга Ўзимиздан фазл бердик: «Эй тоғлар, у билан бирга (тасбеҳни) қайтаринг ва қушлар ҳам!» (дедик). Ва унга темирни юмшоқ қилдик. Ва (унга): «Совутлар қилгин ва ҳалқаларини ўлчовли қил. Солиҳ амаллар қилинглр. Албатта, Мен нима амал**

**қилаётганингизни кўриб турувчиман», (дедик)» (Сабаъ сураси, 10-11-оятлар).**

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари, сийратлари ва ҳадисларида ҳам солиҳлик алоҳида эътиборга сазовор бўлган.

أَمْ نَبِيٌّ قَالَ مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَعٌ هَلْ لَئِيْلٌ لِّوَسْرٍ نَع ، أَمْ هُنَّ عُلَلٌ لِّإِيْضٍ رَّرْمُعٍ نَبِيٌّ نَع  
مَفَّيْ لَعْلَعٌ تَطْحَنُ أَفِيْ لَبِّجٍ يَفِيْ رَاغٍ لِّأَوْوَأَفٍ ، رَطْمٌ لِّمُهَدَّخٍ ، نَوْشَمَتَيْ رَفِيْ نَقْثِ الْاَلْتِ  
أَلْأَمْغَا أَوْرُطْنَا ؛ ضَعْبٌ لِّمُهَضِّعٍ لِّأَقَوْفٍ ، مَهِيْ لَعْلَعٌ تَقَبَطْنَا أَفِيْ لَبِّجٍ لِّأَمْ عَقَّ صَمَّ هَرَاغٍ  
؛ مُهَدَّخٌ لِّأَقَوْفٍ ، مُكْنَعٌ أُهُجْرَفِيْ هَلْ لَئِيْلٌ أَوْغَدَا فِ ، أَوْبَ هَلْ لَئِيْلٌ عَقَّ حَلَّاصٌ أَوْ مُتَلَمِّعٌ  
إِذَا فِ ، مَهِيْ لَعْلَعٌ عِيْرًا ، رَاغٌ صَقِيْبٌ يَلْوِيْ ، نَارِيْبُ كِنَاخِيْ شَرْنَا إِذْ لَوْ أَوْ يَلْنَا كُنَّا مَهَلَلًا  
تَأْتِيْ تَرَحُّمَاتُ سَائِيْنِ أَوْ ، يَنْبَلُ بَقِ أَمْ هُنَّ تَيْقِسَفٌ ، يَدِيْلُ أَوْبُ تَأْدَبُ فِ ، تُتَبَلِّحُ مَهِيْ لَعْلَعٌ تَحْرًا  
تُتَمَّقُ فِ ، بُلْحٌ أُنُّنُ كَأَمْ كُتُبَلِّحُ فِ ، أَمْ أَنْ دَقِ أَمْ هُنَّ دَجَوْفٌ ، تَيْسَمُ أَيْ تَحْرًا مَلَفٌ يَمْوِيْ  
دَنْعٌ نَوْغِضَتِيْ عَيْبِصَلْ أَوْ ، عَيْبِصَلْ أَوْ ، عَيْبِصَلْ أَوْ ، أَمْ هَلْ طَقُوْنَا أَمْ هَرَكًا ، أَمْ هَسْ وَعُرْدَنْعٌ  
جُرْفٌ أَفِ ، كُهُجٌ وَءَاغِثٌ بَلِّدٌ ذُلِّعَفٌ يِّنَا مَلِّعَتِ تَنْكُنْ إِيْفِ ، رَجْفٌ لِّأَعْلَطِ يَّتَحُ ، يَمْ دَقِ  
؛ رَجْفٌ لِّأَقَوِ . أَمْ سَلْ أَمْ أَوْ أَرْفٌ ، هَلْ لَئِيْلٌ جَرَفٌ ، أَمْ سَلْ أَمْ هُنَّ عَجْرُفٌ أَمْ نَمَّ أَنْ لِ  
تُبَلِّطُ ، أَمْ سَلْ لِّأَجْرَلِ أَيْبُحِيْ أَمْ دَشَّكَ أَهُتُبَّحٌ أَيْ مَعٌ عُنْبًا يَلْنَا كُنَّا هُنَّ لِّمُهَلَلِ  
أَمْ لَفِ ، أَهُتَعَمَّحٌ يَّتَحُ تَبِعَتِ فِ ، رَانَ يَدِيْ دِيْئَامِبِ أَيْ تَأْتِيْ تَحُ تَبَأَفِ ، أَمْ سَفْنَا أَيْ لِيْ  
يُوقِحُ بَلِّمَتَا خَلِّحَتْ فَتِ أَلْوِ ، هَلْ لَئِيْلٌ قُتَا ، هَلْ لَئِيْلٌ دَبَعٌ أَيْ ؛ تَلْأَقِ ، أَمْ هَلْ لَئِيْلٌ جَرْنَا يَبُ تَعْقَوِ  
، عَجْرُفٌ أَمْ نَمَّ أَنْ لِ جُرْفٌ أَفِ ، كُهُجٌ وَءَاغِثٌ بَلِّدٌ ذُلِّعَفٌ يِّنَا مَلِّعَتِ تَنْكُنْ إِيْفِ ، تَمْ قَوْفِ  
يَّتَحُ مَلَفِ ؛ زُرًّا قَرَفٌ أَيْبُ أَرْجِيْ أَيْ تَرَحُّمَاتُ سَائِيْنِ كُنَّا يِّنَا مَهَلَلِ ؛ ثَلَاثٌ لِّأَقَوِ . جَرَفٌ  
هُنَّ مَلِّعَتِ يَّتَحُ هُنَّ عَزْرًا لَزَأُ مَلَفِ ، هُنَّ عَبَّعَرَفِ ، هُنَّ لَعْلَعٌ تَضَرَعَفِ ، يِّيْ قَحُ يِّنْ طَعَا ؛ لَاقِ ، هَلْ مَعِ  
، أَمْ هَلْ لَئِيْلٌ كُتِلَتْ يَلِّبُ هَذَا ؛ تَلْقُ ، هَلْ لَئِيْلٌ قُتَا ؛ لَاقِ ، يِّنْ عَاجِ ، أَمْ هَلْ لَئِيْلٌ أَرْقَبِ  
؛ دُخٌ ، كُبُّ عَزْرَتِ سَائِيْنِ أَلِ يِّنَا ؛ تَلْقُ ، يِبُّ عَزْرَتِ سَائِيْنِ أَلِ ، هَلْ لَئِيْلٌ قُتَا ؛ لَاقِ ، أَمْ دُخِ  
جَرَفٌ ، يَّقِبُ أَمْ أَنْ لِ جُرْفٌ أَفِ ، كُهُجٌ وَءَاغِثٌ بَلِّدٌ ذُلِّعَفٌ يِّنَا مَلِّعَتِ تَنْكُنْ إِيْفِ ، هُنَّ دَخِ أَفِ  
؛ يِّيْئَسْنَا نَلْ أَوْ نَأْخِيْ شَلْ أَمْ أَوْ . «نَوْشَمَتَيْ أَوْجَرَحُ فِ ، هَلْ لَئِيْلُ

*Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:*

**«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:**

**«Уч нафар киши йўлда кетишаётган экан, ёмғирда қолиб, тоғдаги ғорга кириб олишибди. Бас, уларнинг ғорига тоғдан бир харсанг тушиб, чиқиш йўллари тўсиб қолибди. Улар бир-бирларига:**

**«Аллоҳ учун қилган солиҳ амалларингизга бир назар солиб, уларни васила қилиб, Аллоҳга дуо қилинглар, шоядки, сизларга кушойиш берса», дейишибди.**

**Улардан бири:**

**«Аллоҳим! Албатта, менинг қари ота-онам бор эдилар. Менинг кичик ёшдаги болаларим ҳам бор эди. Уларнинг барчасининг риоясини қилардим. Уларнинг олдига қайтиб келсам, сут соғиб, болаларимдан олдин ота-онамга ичираар эдим. Бир куни кеч қолиб, кечасигача кела олмадим. Келиб, икковларининг ухлаб қолганларини кўрдим. Одатдагидек, сут соғдим ва ота-онам икковларининг бош тарафларида, уйғотиб юбормай деб кутиб турдим. Болаларга ичиришни ҳам эп кўрмадим. Болалар очликдан оёғим остида қичқиришарди. Тонг отгунча шу ҳолда турдим. Агар Сен шу ишда Сенинг розилигингни тилаб қилганимни билсанг, бизга бир тирқиш очгин, осмонни кўрайлик», деди.**

**Бас, Аллоҳ тирқиш очди. Ундан осмонни кўрдилар.**

**Бошқаси эса: «Аллоҳим! Мен амакимнинг қизига эркаклар аёлларга энг ашаддий муҳаббат қўйишларидек муҳаббат қўйган эдим. Бас, ундан талаб қилдим. У (қиз) бош тортди. У ўзига юз динар беришимни сўради. Мен пулни жамлаб келиб, уни ушлаб, икки оёғи орасига тушдим. Шунда қиз:**

**«Эй Аллоҳнинг бандаси! Аллоҳдан қўрқ! Узукнинг ҳаққини бермасдан очма!» деди.**

**Мен ўрнимдан турдим. Агар шу ишни Сенинг розилигингни тилаб қилганимни билсанг, бизга яна ҳам каттароқ тирқиш оч», деди.**

**Бас, яна тирқиш очди.**

**Учинчи шахс: «Аллоҳим! Мен бир фарақ гуручга мардикор ёллаган эдим. У ишни бажариб бўлганидан сўнг:**

**«Ҳаққимни бер», деди.**

**Мен унга ҳаққини кўрсатдим. У олишдан бош тортди. Мен ўша гуручни экишда давом этавердим. Ундан бир қанча сигир ва молбоқарлар орттирдим. У қайтиб келиб:**

**«Аллоҳдан қўрқ!» деди. Мен унга:**

**«Анави сигирлар молбоқарлари билан сеники, олавер», дедим.**

**«Аллоҳдан қўрқ! Мени масхара қилма!» деди.**

**«Сени масхара қилаётганим йўқ, олавер», дедим.**

**У олди. Агар мен шу ишни Сенинг розилигингни тилаб қилганимни билсанг, қолган қисмини ҳам очиб юбор», деди.**

**Бас, Аллоҳ очиб юборди».**

**Чиқиб, юриб кетишди».**

*Икки шайх ва Насоий ривоят қилишган.*

نُبَاتَامَ إِذِإِ: لَقَمَ مَلَسَوِ وَوَيَلَعُ لَلِ لَصَّيَّ بَلَلِ نَعُ، عُنَّ لَلِ يَضَرَّ رِيْرُهُ بَأَفَ عَ  
حَلَّاصِرِدَلَوَّ وَأَبُ غَفَتُنِّي مَلَعُ وَأَيَّ رَاجَ قَدَص: ثَالِثُ نَمَّ إِ، هَلَمَّ عُنَّ غَطِقُونَ مَدَّ  
سَيَّرَاحُ بَلَّ إِ لَسَمَّ حَلَّ هَاوَر. «هَلَّ وَغَدِي

*Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Қачонки одам боласи ўлса, амали кесилади. Фақат уч нарсадан: жорий садақадан, манфаат олинадиган илмдан ёки унинг ҳаққига дуо қиладиган солиҳ фарзанддан кесилмайди», дедилар».**

*Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.*

Мўмин киши вафот этганидан кейин ҳам агар фарзанди унинг ҳаққига дуо қилиб турса, савоби етиб туради. Бунинг учун эса мўмин-муслмон киши ўз фарзандини дуо қиладиган тақводор, чин муслмон қилиб тарбиялаши лозим. Зотан, мўмин ота-онанинг фарзанд кўриш ва уни тарбия қилишдан мақсади ҳам шу. Ота-она «Вафотимдан кейин мени йўқласин, ҳаққимга дуо қилсин», деб фарзанд боқади. Диний тарбия беришдан мақсад ҳам шу! Фарзанднинг мўмин-муслмон, тақводор бўлиши, ота-онасининг ортидан дуо қилиб туриш масъулиятини ҳис қиладиган бўлишигина бу мақсадга эриштиради.

**«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.